

## Ёшлар – элга таянч

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти раҳбарияти ҳамда “Гидорелиорация” факултетига бириктирилган “Лашкарбеки” МФЙ билан ўзаро ҳамкорлик масалалари амалий исботини топмоқда, жумладан, тасдиқланган режа асосида 2021 йил 16 июн куни куннинг ярмида “Ҳамид Олимжон” МФЙ маҳалла ёшлари ўртасида шахмат, шашка бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу мусобақага факултетнинг “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси масъул бўлиб, кафедра мудири Д.Назаралиев бириктирилган бевосита ушбу тадбирни “Лашкарбеки” маҳалла, Оила, хотин - қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича раис ўринbosари З.Расулий ва Ҳамид Олимжон маҳалла, Оила, хотин - қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича раис ўринbosари М.Шермуҳаммедова, “Гидомелиорация” факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини З.Абдурашидовлар иштирокида мусобақа ташкиллаштирилди.



Бу мусобақани ҳакамлари қилиб “Гидрология ва гидрогеология” кафедра профессор - ўқитувчилари; И.Рўзиев, С.Нуржанов, С.Мансуров, Ж.Ҳамрақулов, Қ.Эшқуватов, декан мувовини З.Абдурашидовлар тайинланди. З та турдан иборат бўлган турнир 2 та йўналиш (шахмат, шаҳқа)да бўлиб ўтди. Муросасиз бўлиб ўтган ушбу спорт тадбирида “Лашкарбеки” МФЙ жамоаси 1-ўринга, “Ҳамид Олимжон” МФЙ жамоаси 2-ўринга лойиқ деб топилди ҳамда диплом ва эсадалик совғалари билан тақдирланди. Табдирни Институтимиз ҳудудида бўлиб ўтгани ҳам яъни иккита МФЙ ҳудудидан ташқари нейтрал жой танлангани мусобақа кўтаринки руҳда ва ҳаяжонли энг асосийси шаффофф ўтишини таъминлади.



Тақдирлаш маросими маҳалла фаоллари келган ота- оналар, “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси мудири доцент Д.Назаралиев Ҳамид Олимжон маҳалла, Оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича раис ўринbosари М.Шермуҳаммедова, “Гидомелиорация” факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини З.Абдурашидовлар иштирокида тақдирландилар.



Бу каби тадбирлар маҳалла ёшларини бўш вақтларини унумли ва самарали ўtkазиш билан бирга институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан дўстона алоқаларини ўрнатишга замин яратади. Олий та`лим муассасаларини маҳаллабай тизимида ишлаш энг тўғри ва самарали усул эканлигини яна бир бор исботлади.

**ГМ факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини З.Абдурашидов ахбороти**

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**